КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

5 январь 2000 йил
1 (154) - сон

Чоршанба кунлари чиқади
1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

ТАРАДДУД

ҲАМ ИНСОНИЙ, ҲАМ СИЁСИЙ ТУЙҒУ

Келинг, Сайловчи, суҳбатлашайлик

Муҳтарам сайловчи! Бугун Сиз ва биз, мамлакатимизнинг барча фуқароси улуғ бир мансаб-мартаба соҳиби. Бу мартаба соҳиб ва соҳибалари зиммасига тарих буюк бир вазифани - Ўзбекистон Президентини сайлаш вазифасини юклаб турибди.

Одамларимиз ҳаётининг қандай бўлиши, мамлакатимиз равнақи ҳар жиҳатдан юртбошига боғлиқ. Айни кунларда эса Сиз ва бизга – сайловчи фуқароларга боғлиқ, десам муболағага йўйманг. Чунки юртбошини Сиз танлаяпсиз! Сиз юрт тақдирини ўзингиз ишонган юртбошига топширяпсиз.

Бу масъулият юкини ифодалаш ва тасаввур қилиш қийин.

Ўтган йил декабрининг бешинчи ва ўн тўққизинчи кунлари бўлиб ўтган сайловлар талай ҳақиқатларни намоён этди. Шулардан энг муҳими, одамларнинг депутатга юксак ишонч билан яшаётганининг гувоҳи бўлдим. Энг оддий одамларнинг ишонч-эътиқоди шу қадар самимийки, улар депутат сиймосида нуфузли давлат арбобини, ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги жонкуяр фидойини, замон масъулиятини ғоятда тўғри идрок этувчи инсонни тасаввур этадилар. Бу фавқулодда ишончни депутатни тарбият этувчи ишонч десак ҳам янглишмаймиз. Зеро, халқ ишончли депутатнинг олдига мақсадлар қўяди, уни амалий фаолиятларга йўналтиради, унинг зиммасига бири-биридан залворли масъулиятлар юклайди.

Азиз сайловчи! Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар билан бўлиб ўтган учрашувлар сайловчилар учун катта дорилфунун вазифасини ўтади десам фикримга қўшиласиз деб ишонаман. Ахир, бир янгиликка эътибор беринг: ўзбек халқи депутатликка номзод билан қачон бу қадар юзма-юз келган? Қачон юзма-юз суҳбатлашган? Қачон унинг дастурини ўз оғзидан эшитган? Қачон уни саволларга тутиб, ўз оғзидан жавобларини эшитган? Ва бевосита ўзи ишонч ҳосил қилган номзодига овоз берган?!

Мен бўлиб ўтган сайловлардан олган таассуротларимни айни шу бугун Сиз билан ўртоқлашаётганим бежиз эмас. Халқимиз яна бир тарихий воқеа арафасида турибди.

Уч кундан сўнг Ватанимиз фуқаролари ўз Президентини сайлайдилар! Ўзлари ишонган Инсонни Юртбоши сифатида танлайдилар!

Бўлиб ўтган сайловлардан чиқарилган яна бир эътиборга молик ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш зарур деб ўйлайман. Халқ аксарият ҳолларда ўзининг фаолияти билан эл-юрт орасида яхши танилган, бошқача айтганда, шу Ватан, шу халқ корига ярайдиган кишиларга ишонч билдирдилар. 9 январь сайловида ҳам айни шу омил ҳал этувчи аҳамият касб этишига шак-шубҳа йўқ.

Халқ ўзи яхши таниган, ўзи ишонган Инсонни Юртбоши этиб тайинлайди!

Эътибор қиляпсизми, мен "ишонч", "масъулият" сўзларига кўпроқ урғу беряпман. Президентлик сайловида бу сўзлар салмоғи ҳар қачонгидан ортади, авж пардасига кўтарилади. Арнасой, Фориш, Ғаллаорол туманларининг энг чекка ва олис қишлоқларида бўлиб ўтган учрашувларда отахонлару онахонлар, ёшлару кексаларнинг муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовга ишонишининг гувоҳи бўлдик. Кенг халқ оммаси айни шу юксак ишонч атрофида жипслашганини кўрдик.

Бу ишонч туйғуси бепоён мамлакатимиз бўйлаб жўшиб турибди, десак заррача муболағага асос қолмайди. Чунки бу ишонч ўн йил мобайнида – йилма-йил, ойма-ой, кунма-кун шаклланди, улғайди ва энг муҳими – улкан ва қудратли сиёсий кучга айланди!

Оддий инсоний туйғу мамлакат тақдирини белгиловчи сиёсий туйғуга ва кучга айланиши ҳам Ўзбекистонни дунёга кўз-кўз қилувчи ўзига хос фавқулодда феномен даражасига кўтарилди.

Халқимиз қалбидаги Ислом Каримовга бўлган ишонч туйғусини таърифлашнинг ўзи бир китобга сиғмайди. Ўтган ўн йил мобайнида ички ва ташқи сиёсат бобида озмунча воқеа-ҳодисалар юз бердими! Озмунча қалтис дақиқалар бошдан кечдими?!

Уларнинг барча-барчасида Юртбошимизнинг қатъияти, саботи, ғурури, ва энг муҳими – масъулиятни ниҳоятда чуқур ҳис қилиши синовлардан ўтди, тобланди ва пировард натижада уларнинг бари халқ қалбига ишонч уруғларини қадади!

Ҳам инсоний, ҳам сиёсий ишончга айланди!

Ислом Каримов Ўзбекистондек бир беқиёс мамлакатнинг президенти, ўзбек халқининг юртбошиси эканидан ҳақли равишда фахрланди, қанақанги ҳукм-хулоса чиқармасин, қандайин ташаббусларни ўртага ташламасин миллий ва тарихий ўзимизга хосликни, замонавий ва умуминсоний қадриятларни, эътиқод бурчи ва ўзбекона ғурур-ифтихорни, сабр-матонат ва масъулият туйғусини ўз фаолиятида мужассам эта билади. Буларнинг замирида халқимизга меҳр-муҳаббат туйғуси ётар эдики, мазкур туйғу, мана, бугун халқимизнинг инсоний ва сиёсий маънодаги ишончига айланиб турибди.

"Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ", деб ёзади Президентликка номзод Ислом Каримов ўзининг сайловолди дастурида. У киши учун олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағрикенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш-ҳаётнинг маъноси, умрнинг мазмунидир. Шундай улуғ ва савобли мақсадларни ўз олдига қўйган Юртбоши халқимизнинг юксак ишончига яна бир карра сазовор бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

МАНА, ҚАЛБЛАРИМИЗНИ СУРУР ВА ҲАЯЖОНГА ТЎЛДИРИБ КЕЛГАН ФАЙЗУ БАРОКАТЛИ РАМАЗОН ОЙИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ ЎТИБ БОРМОҚДА. РЎЗА ВА ТАРОВЕҲ НАМОЗЛАРИ, МУРУВВАТ ВА ХАЙР-ЭҲСОНЛАР, ХАТМИ ҚУРЪОН, ЗИКРУ ТАСБЕҲ ВА БОШҚА ЭЗГУ АМАЛЛАР НАТИЖАСИДА ЎЗИМИЗНИ ОЙНАДЕК ТОЗАЛАНГАН, ҚУШДАЙ ЕНГИЛ ТОРТГАНДЕК ҲИС ҚИЛИБ, РАМАЗОН ОХИРЛАБ БОРАЁТГАНИДАН АНДЕК АРМОН ҲАМ ҚИЛИБ ҚЎЯМИЗ.

ИШОНЧ

ҲАЯЖОН

Назаримда, мана шу армон юкини енгиллаштирадиган улкан воқеалардан бири – мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган меҳр-мурувват кунларидир. Шахсан Президентимиз ташаббуслари билан янги йилнинг инсон учун энг савобли тадбир – хайр-эҳсон билан бошланаётгани ҳам диний, ҳам инсоний, ҳам миллий жиҳатдан муштарак мақсадлар касб этади.

Рамазон ойи охирлагани сайин ҳар ким ўзини саволларга тутади: Намоз ва рўза ибодатларидан ташқари яна қандай хайрли амалларни уддаладик? Аразлашиб қолган дўстларимизни кечира билдикми? Яқинларимиз, қариялларимиз ва беморларимизнинг кўнгилларини овладикми? Яқин-атрофимиздаги етим-есирлар, бева-бечоралар, кўп болали оилалар ва рўзғор юки ҳолдан тойдириб қўйган ёр-биродарларимизнинг ҳолидан хабар олдикми?

Ҳаёт мураккаб, ҳар кимнинг яшаш тарзи, имконият даражаси ҳам ҳар кимнинг туз-насибасига, саъй-ҳаракатларига яраша бўлади. Афсуски, мана шундай тафовутлар натижасида айрим одамлар бошқаларнинг кўмагига муҳтож бўлиб қоладилар. Биз-нинг динимизда ва ахлоқимизда эса кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш энг савоб амаллардан саналади. Тарихда энг қийин пайтларда халқимиз кўрсатган меҳр-мурувват намуналари истаганча топилади. Сахийлик шундай хислатки, у инсоннинг ҳам дунёси, ҳам охиратини кўркамлаштиради. Чунки мол-давлатининг ортиқчасидан хайр-эҳсон қилувчи киши аввало ўз яқинлари билан гўзал муносабатларни тиклаб, уларнинг ҳасадига эмас, ҳавасига сазовор бўлади. Хусусан, мазкур эҳсон Аллоҳ ризолиги йўлида буткул самимият ила қилинса, бундай эҳсоннинг қадри чандон ортиқ кўрилади.

Садақа ва эҳсон тарғиб қилинган ояти карималарда шундай ажру мукофотлар ваъда қилинадики, уларни тасаввурга сиғдириш-да қийин. Яъни, Аллоҳ йўлида қилинган ҳар бир риё ва миннатдан холи эҳсон 700 баробар ва ундан кўпроқ қилиб қайтарилиши айтилган. Бундай марҳаматни билган мўъминлар ўз молларидан фақиру мискинларга улуш ажратиб берар эканлар, заррача танглик ва норозиликка бормайдилар. Бу борада шоҳидлик берувчи кўплаб ҳадислардан бирида айтилишича, Расуллулоҳ (с.а.в.) сахийлик бобида барчага намуна кўрсатганлар. Ривоят қилинишича, ул жаноб нарса сўраб келувчи ҳеч кимсани қуруқ қайтармаганлар. Шундай марҳамат қиладиларки, "Кимки ўзи тўқ бўла туриб, қўшниси оч бўлгани ҳолда кечани ўтказса, у одам менга иймон келтирмабди. Қайси бир қишлоқ аҳлидан бир киши оч қолиб тунни ўтказса, Аллоҳ қиёмат кунида уларга раҳмат назари билан боқмайди".

Имом ал-Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган ҳадисда, "Бева ва мискиннинг хизмати йўлида саъй-ҳаракат қилувчи кимса Аллоҳ йўлидаги мужоҳид кабидир", дейилади.

Мустақиллик йилларида диний илмларни эгаллашга яратилган имкониятлар натижасида кенг омма ислом динига мансуб бўлган бу каби қадриятларни янада чуқурроқ эгаллаб бормоқдалар десак янглишмасмиз. Шуни ҳам айтишга тўғри келадики, хайру саховат энг савобли амаллардан бўлгани ҳолда икки нарса сабабли энг эзгу амаллар ҳам аксинча катта гуноҳларга айланиши мумкин. Унинг бири – риё, иккинчиси – миннатдир. Дарҳақиқат, тоғдек қилинган эҳсон тарқидек миннат билан чиппакка чиқиши ҳеч гап эмас. Миннатчининг гуноҳи ҳийлагар ва бахил бандаларнинг гуноҳидан оз эмаслигини тасдиқловчи ҳадислар ҳам келади. Ўнг қўл билан қилинган эҳсонни сўл қўл билмаслиги ҳақидаги ҳикматлар кўпчиликларимизга аён деб ўйлаймиз.

Биз бу мавзуни айни шу кун айтаётганимиз бежиз эмас. Тарих бизга фавқулодда ажиб ҳолатни иньом этди. Қаранг, янги 2000 йилни қарши олиш айни муқаддас рамазон кунларига тўғри келди. Янги йилнинг дастлабки ўн куни мўъжизаларга бой бўлган рамазон ойининг сўнгги ўн кунлигига мос келишини айтмайсизми! Айни шу кунлар мамлакатимизда меҳр-шафқат кунлари ўтказилаётгани ўзига хос рамзий маъно касб этмаяптими?! Яна икки воқеани тилга олиш ҳам зарур. Яъни, муборак Рамазон ҳайити мамлакатимиз ва халқларимиз ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга бўлган бошқа бир сиёсий тадбир – Президентликка сайлов кунига тўғри келаётгани ҳар қандай кўнгилларни ҳаяжонларга тўлдириб юборди! Ҳа, биз ЎЗ ЙЎЛБОШЧИМИЗНИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИ, оддий қилиб айтганда, ИШОНГАН РАҲБАРИМИЗНИ сайлаймиз. Сайлашга шаймиз. Айни руҳимиз покланган, дилимиз равшан тортган шу кунларда биз Ислом Каримов тимсолида ана шундай Инсонга ишонч билдиришимизга шак-шубҳа йўқ!

Шарофиддин ЛАТИПОВ,
Тошкент Ислом университети толиби

ВАТАН НАДИР?

Ватан надир – англанг ранжу озоридан,
Сўранг уни Мирзо Бобур мозоридан.
Ўз зурёдин ҳайдаб гулшан, гулзоридан,
Девонларда бағри бирён юрт эди бу.

Дилни ўртар ҳамон ғаму ғурбатлари,
Ёт элларда қолиб кетди турбатлари,
"Фиғонким..." деб ўтди қанча фурқатлари,
Ёркентларда кўзи жайрон юрт эди бу.

Ўзи гулдай ўғлонларин сайлаб бериб,
Номларини рўйхатларга жойлаб бериб,
Чўлпонларин ўзи итдай бойлаб бериб,
Изларидан ўзи гирён юрт эди бу.

Келгинди ном борки бунга келиб кетган,
Чўнтаклари тиллоларга тўлиб кетган,
Яна хоксор эл устидан кулиб кетган,
Меҳмони кўп, муте мезбон юрт эди бу.

...Надир миллат қудратининг тамаддуни?
Амир Темур ҳайкалидан сўранг буни,
От миндириб ким қайтарди юртга уни?
Жаҳонгири бехонумон юрт эди бу.

Бир султонни Худо юртга қараб бергай,
Олам аҳли сўнг у юртга тараф бергай,
Абадият қадар унга шараф бергай,
Шараф-шони рўйи жаҳон юрт бўлди бу!

Сирожиддин САЙЙИД

ХАТ

БОЛАНИНГ КЎЗИДАГИ ЖИЛВА

Яқинда Президентимиз Наманганда бўлиб, сайловчилар билан учрашдилар. Шу куни Наманган аҳли байрам қилди, десам янглишмайман. Учрашувда Наманганимизда кейинги йилларда юз берган мудҳиш воқеалар ҳам унутилгани йўқ. Президентимиз бу ҳақда сўзлаётганларида қаттиқ изтиробга тушганлари сезилиб турди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Изтиробга тушмай бўладими!

Юртбошимиз учрашув чоғида яна бир бор бағрикенгликларини кўрсатдилар. Қанчалаб ёшларнинг адашиб бу йўлга, кирганликлари, пушаймонликларини эътиборга олиб, авф этилгани, қамоқларда ётган ёшлар тақдири тўғрисида ҳам қайғураётганликларини айтиб ўтдилар.

И.Каримовнинг юртбоши бўлиши бизнинг бахтимиз. Чунки ҳеч қайси бир ривожланган буюк давлат Президенти Ислом Каримовдай фуқаропарвар, ёшу кексага бирдай меҳрибонлик билан қайғургувчи эмас. Азиз жонларига суиқасд уюштирилган 16 февраль кунидаги машъум воқеадан бир неча сония ўтмаёқ минбардан туриб: "Ўзбекистондаги миллионлаб болалар – менинг фарзандларим" деган гапни айтиш учун ҳам ниҳоятда бағрикенглик, жасорат ва кечиримлилик зарур бўлиши ҳаммага аён.

Юртбошимизнинг ёшларга чексиз ғамхўрликлар кўрсатаётганликлари, уларнинг ўқиши, ишлаши, қобилиятларини намойиш қилиши учун кенг имкониятлар яратиб қўйганликларининг ўзиёқ - Ўзбекистон келажагини бугунги ёш авлодга ишонаётганликларини ифода этмаяптими?

Мен – оддий бир муаллиманман. Таълим соҳасида ва маънавиятимизни юксалтириш борасида олиб борилаётган тадбирларда озмикўпми ҳиссам борлигидан қувонаман. Ёшларимиз соғлом, баркамол, юксак маънавиятли бўлиб вояга етсалар – бизнинг бахтимиз. 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинишининг ўзиёқ, биз зиёлилар олдига ҳам катта масъулият юклайди, айни чоғда қалбимизда фахр туйғусини уйғотади.

Яқинда ўқувчиларимдан "Ўзбекистон Президенти", "Агар Президент бўлсам...", "Президент қандай бўлиши керак?" мавзуларидан бирини танлаб, иншо ёзиб келишни топширдим. Уларни қўлимга олиб, ўқир эканман, ёш қалбларнинг юртбошимизга бўлган содда, болаларча меҳридан кўнглим ёришиб кетди. Бир ўқувчим: "Саккиз йил муддат ичида Ўзбекистонимизни дунё таниди. Ислом Каримов яна Президент бўлиб, бошлаган ишларини ўзлари давом эттиришлари керак", - деган бўлса, бири: "Мен агар Президент бўлсам, бобом Ислом Каримовнинг йўлларини давом эттирар эдим", - деб ёзибди. Яна бир ўқувчим: "Қани эди, ёшим 13 да эмас, 18 да бўлганида эди, Президентимиз учун овоз берган бўлар эдим", - дея иншосини тугатибди.

Бир куни ногоҳ эндигина тиш олдирган 6 ёшлардаги боланинг онаси орқасидан йиғлаб бораётганлигини кўриб қолдим. Бола бирдан тўхтади ва онасининг этагидан ушлаб: "Қаранг, Ислом Каримов бобом", - деди. Она кўча бўйига қўйилган портретга бир муддат қараб турди-да, болани етаклаб йўлга тушди. Бола анча жойгача орқасига қарай-қарай, излаб юрган нарсасини топиб олгандай суюнганича кетди. Боланинг кўзларида жилва қилган қувонч, муҳаббат ҳислари менинг қалбимга кўчиб, кайфиятимни кўтариб юборди. Қани эди, ҳар бир бола қалбида она Ватанга садоқат, шу заминга, халққа, юртбошимиз, унинг олиб бораётган сиёсати, буюк мақсадларига ҳурмат ва муҳаббат, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонч руҳини тарбиялай олсак, камолга етказсак, биз, муаллимлар олдида турган муҳим ва масъулиятли, айни чоғда шарафли вазифани адо этган бўлар эдик.

5 декабрь куни Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов комиссиясининг аъзоси сифатида сайлов участкасига овоз бериш учун келган юртдошларим онгидаги ўзгаришлар, фикрлашларидаги теранлик, номзодларга бефарқ эмасликлари, бу демак – эртанги кундан умидлари катта ва улканлигини кўриб, чексиз қувондим.

Мана, 9 январь куни Президентликка сайлов бўлиб ўтади.

Бу сайловни синов деб ҳам атагим келади. Негаки бу сайловда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг чинакам ватанпарварлик ҳисси синовдан ўтади.

Мен, оилам, фарзандларим тақдирини, келажагини ёлғиз шу азиз юртбошимизгагина ишонаман. Жаннатмакон Ўзбекистон осмонини Қуёшдайин чарақлаб, Ой мисол ёритиб туришларини, ўзбек халқини буюк халққа, юртимизни дунёда энг тараққий этган Буюк давлат даражасига кўтарилишини, Президентимизнинг узоқ-узоқ йиллар унга раҳбарлик қилишларини юрак-юрагимдан истайман. Бизнинг, бутун Ўзбекистон халқининг бахтига ҳамиша соғ-саломат юрсинлар.

Мен катта ҳаяжон ва интиқлик билан кутаётган 2000 йил 9-январь куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов учун қалбда юксак ишонч ва ифтихор билан овоз бераман.

Наманган вилояти,
Янгиқўрғон тумани



Лобар РУСТАМОВА,
муаллима

КЕЛГУСИ СОҲАЛАРДА:

Ғиёс НАМОЗОВ:

Бир қилмишга икки жазо?

Турсунали АКБАРОВ:

Эски йилдан қолган гап: прокурор томошабин бўлса, додингни кимга айтасан?...

ҲАМКАСБЛАР

БИЗНИНГ 15 ДЕПУТАТ!

Турсунали АКБАРОВ

Мундоқ қилиб қараганда журналистликнинг ўзи ярим депутатликдир: мудом йўлда, мудом элга бақамти, мудом уларнинг дардига шерик... Эҳтимол оддий фуқаро бирон амалдорнинг оташин нутқини қуруқ сафсатага менгзаб қўяр, бироқ журналистнинг матбуотда урган бонги ҳали-ҳамон мутлақ ҳақиқат, дея қабул қилинади ва бунда мантиқ учқунлари ҳам йўқ эмас. Дейлик, ҳокимдан азият чеккан фуқаро ёки прокурор дастидан дод деган одам судга ёхуд юқори турувчи идорадан эмас, балки матбуотдан ёрдам сўраб мурожаат этишини кўп ҳоллар ҳуқуқий саводсизликка йўямизу, бироқ уларнинг бундай йўл тутиши замирида журналистга бўлган ишонч ётмайдими?

Жаҳоннинг етакчи давлатлари парламентидаги салмоқли ўринларни айнан журналистлар банд этгани яхши маълум. Қабул қилинаётган қонунлар уларнинг жойлардаги ижроси устидан бўлаётган назоратнинг дурустгина қисми айнан оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳиссасига тўғри келаётгани тобора ойдинлашаётганини барча кўриб-билиб турибди. Эҳтимол, шунинг учундир, бу галги сайловларда номзод журналистларнинг сони аввалгиларга қараганда кўпроқ бўлди, не бахтки, ғалаба нашидасини сураётган ҳамкасбларимизнинг салмоғи ҳам мавжуд муҳит ва шароит нуқтаи назаридан қаралганда кўнгил тўлгудек даражада. Йўқса, бугун депутатлик мандатини қўлга киритган журналистларнинг сайловдаги рақиблари унча-мунча шахслар эмасди. Муқобилларки, бир кунлик даромади матбуотчининг бир йиллик маошидан ошади. Агар пулнинг кучи билан депутат бўлиш мумкин бўлганда эди, парламентда журналистга жой қолмаган бўларди. Бу ҳол бир томондан сайловлар демократик тарзда ўтганини билдирса, иккинчи томондан журналистнинг халқ орасидаги мавқеи нечоғлигини исботлайди...

Кўнгил қурсин, бўлиб ўтган сайлов натижалари билан танишгач, жичча мақтангимиз ҳам келди. Ростда, мўъжазгина бир жамоадан битта эмас, нақ тўрт нафар ҳамкасбимизнинг Олий Мажлис депутатлигига сайланиши ҳар қандай фахру ифтихорга асос бўлади. "Ҳуррият" газетаси таҳрир ҳайъати аъзоси **Азамат Зиё,** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг икки ҳамраиси – **Хуршид Дўстмуҳаммад** (айни пайтда "Ҳуррият" газетаси Бош муҳаррири) ва **Аҳмад Аъзам** (айни пайтда ЎзТВ "Маънавият" муҳарририяти Бош муҳаррири) ҳамда мазкур жамғарма Бош директори **Аббос Алимбаев** сайловда ғалаба қозонди. **ЎзТВнинг Фарғона водийси бўйича мухбири Муҳаммаджон Обидов, "Андижоннома" газетаси муҳаррири Назиржон Саидов**, Нарпай туман **"Пахтакор овози" газетаси муҳаррири Тошпўлат Тошмуродов, "Халқ сўзи" газетаси фотомухбири Тоҳиржон Ҳамроқулов**нинг парламентдан ўрин олиши маҳаллий газеталар ҳам замон билан бақамти шаклланаётгани, вилоят, туманда ҳам ишлаб халқ меҳрини қозониш мумкин эканлигини кўрсатмайдими бизга? **Ўзбекистон телерадиокомпанияси Раиси Абдусаид Кўчимов**нинг депутат бўлиши унинг талабчан ва тадбиркор раҳбар, халқпарвар журналист эканидан нишона. **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст**нинг бюрократлардан тап тортмай ёзган ҳароратли мақола, асарларини халқ унутмаган экан. **"Миллий тикланиш" газетаси Бош муҳаррири Иброҳим Ғафуров** ва **"Тафаккур" журнали Бош муҳаррири Эркин Аъзам халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов**га бақамти ҳолда биринчи чақириқ Олий Мажлиси депутатлари сифатида янги парламент шаклланиши йўлида бошқалар қатори кўп ва хўп тер тўкишган эди. Кейинги йилларда матбуот ва матбуотчилар фаолиятининг ҳуқуқий асосини таъминловчи қатор қонунлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилишида айни шу устозларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ. Шундай фаол ва ҳалол, шу баробарида тажрибали ҳамкасбларимиз қаторига **"Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агетлиги Бош директори ўринбосари Ғулом Мирзо**дек нисбатан ёш, истеъдодли журналистнинг қўшилиши, шунингдек, халқаро журналист кадрлар етиштиришга астойдил бел боғлаган **Жаҳон тиллари Университети халқаро журналистика факультети декани Гуландом Боқиева** ҳам депутатлар қаторидан ўрин олиши матбуотимиз равнақи биз кутгандан-да яхшироқ бўлишидан даракдир. Тажрибали қаламкаш ва Олий Мажлис **Матбуот ва таржималар бўлими мудири Миракмал Миралимовнинг** депутат бўлиши сафимизда қонунчиликнинг паст-баландини, унинг қаттиқ тилини пухта ўзлаштирган яна бир журналист борлигидан далолатдир.

Мана, бизнинг депутатларимиз! Эҳтимол, бу рақам кимгадир оздек, кутилгандек натижа бўлмагандек туюлар, бироқ таъкидлашни истардимки, ушбу мақолада фақат бевосита ОАВда хизмат қилаётган журналистларнинггина номлари зикр этилди. Агар бу қаторга асл касби журналист бўлиб, катта тажрибага эга бўлган, бугунги кунда эса, нуфузли идораларда раҳбарлик лавозимида ишлаётган янги депутат ҳамкасбларимизни ҳам қўшсак... ўх-ҳў... ортиқча изоҳга ҳожат қолмайди. Сайланган журналистларнинг барчасининг жамиятда ўзига хос ўрни, мавқеи бор. Ўринки, эгаллаб турган лавозими билан белгиланмайди, мавқеки, олган унвону мукофотлари билан ўлчанмайди...

***P.S.** Юқорида суратлари чоп этилмаган Олий Мажлис депутатлари этиб сайланган журналистлар олдида таҳририят ўзини қарздор деб ҳисоблайди.*

ДУНЁҚАРАШ

"БАХТИНГДАН ОЧАЙМИ?.."

Қора магия ҳам фирибнинг бир тури

"Бировни бир шапалоқ урган одам жиноятчи ҳисобланиб, иши судга оширилади. Сеҳр-жоду билан шуғулланиб оилаларни бузган, инсонларнинг бахтини боғлаган, дардга мубтало қилганларга эса чора кўрилмайди. Нега?!"

Тўхтаной ака Болтабоев билан суҳбатдан

Алижон ЗОҲИДИЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Дарҳақиқат, ноёб қобилият соҳибининг сўзларида жон бор. Сўнгги йилларда экстрасенслик, дуохонлик, парихонлик, эмчилик, ромчилик, башоратчилик, фолбинлик; отинойилик, сеҳр-жоду билан шуғулланувчилар кўпайгандан кўпайди. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудларида болалар (баъзан катталар ҳам) томоғидан ҳар хил балобаттарларни олувчи "мутахассис"лар бор, уларни баъзи жойларда "гир-гир" бошқа жойларда эса "илгир" деб аташади. Ана шуларнинг ҳам куни туғиб қолдими, дейман. Нега десангиз, ҳар маҳаллада ҳеч бўлмаса биттаси бор-да. Аввалари ундай эмас эди. Майли, баракасини берсин, ишқилиб. Уларнинг сони, миқдори, неча бош ва оёқдан иборат эканлигини санаб ўтиш мақоланинг вазифасига кирмайди. Вазифа бутунлай бошқа...

Яқинда бир қишлоққа бориб қолдим. Танишим хурсанд бўлиб гапириб қолди: "Барака топгур қўшнимнинг қизига худо бериб, фол кўрадиган, жоду оладиган илмга эга бўлиб қолди. Аввалари нариги қишлоққа бориб, ҳар ойда икки марта томоғимдан жоду олдириб келардим. Ҳозир, худога шукр, шундоқ икки эшик наридан бориб ҳожатим раво бўлиб келаверади. Ишқилиб, қўли дард кўрмасин".

- Томоғингиздан нима олдирасиз ўзи? - сўрайман танишимдан.

- Эй, нимасини айтасиз, - ҳасратли жилмаяди у. — Ҳар гал бир парча суяк чиқади. Баъзан тирноқ, соч ва ҳоказолар...

- Улар ичингизга қандай кириб қолади?

- Менинг кўролмасларим бор, ўшалар жоду қилиб ичимга киргизишади.

- Қўшнингизнинг қизи аввалари нима иш билан шуғулланарди(Яъни, фолбин ва эмчи бўлмасидан аввал...).

- Нима десамийкин сизга. Ҳамма қатори колхозчи. Икки марта эридан ажраб уйида ўтирган эди. Бирдан худо бериб қолди боёқишга. Ҳозир балодай, фол ҳам кўраяпти, дарз кетаётган оилаларни бир-бирига иситиб сақлаб қолаяпти. Ишқилиб, худо умрини берсин.

Эй, соддагина танишим, чиндан ҳам бу илмни қўшнингизнинг қизига Оллоҳ бердимикан(Ахир илмларнинг ҳам Раҳмонийси ва шайтонийси бўлади-ку!).

Диний адабиётларга мурожаат қиламиз: "Сеҳр катталик жиҳатидан учинчи ўринда турадиган гуноҳи кабирадир. Қуръони каримнинг "Бақара" сурасида сеҳрнинг тақиқланганлиги, унинг куфр эканлиги таъкидлаб ўтилган. Шайтонлар одамларга сеҳр қилишни ўрганганлари учун кофир бўлишган. Сеҳрнинг куфр эканлигини била туриб, кўп кишилар эрхотинни ажратадиган сеҳрни ўрганганлар. Бу сеҳрни ўрганиб, шу иш билан шуғулланган одамлар охиратда ўзларига ҳеч қанақа мағфират бўлмаслигини, дўзахда уларга тенгсиз азоблар тайёрлаб қўйилганлигини билардилар. Бундай қатъий назар, кўпгина адашган кишилар сеҳр қилишни ўрганишган. Булар жумласига ўзини оиласига боғлашга ҳаракат қилиб, ёки баъзи кишиларни оиласига муҳаббатли бўлсин деб, ё бўлмасам кўролмаслик ва ҳасаддан бошқалар орасини бузиб юбориши учун сеҳр амалларини қилаётган кишилар киради" (Абдулазиз Мансур. "Гуноҳи кабиралар". 1995 йил, "Мовароуннаҳр" нашриёти).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: "Жаноб Расулуллоҳ "Оллоҳ таолога ширк келтириш ва сеҳр-жоду қилишдек гуноҳи азимлардан қочингиз" – деб айтганлар", дейдилар (Ал жомиъ ас-саҳиҳ, 4 том).

"Эй мўъминлар, арақ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! (Қуръони карим, Моида сураси, 90 оят).

"Расулуллоҳ с.а.в. шайтонга қисқа-қисқа саволлар бера бошладилар:

- Дўстинг ким?
- Зино қилгувчи.
- Меҳмонинг ким?
- Ўғри.
- Элчинг ким?
- Сеҳргарлар.
- Кўзингнинг нури нима?
- Талоқ." (Шайтон ҳийлалари, "Мовароуннаҳр" нашриёти, 1994).

Азиз танишим, қўшнингизнинг қизига келган илм шайтонийми, раҳмонийми, англаш ўзингизга ҳавола.

ҚОРА ИЛМ КИМГА БЕРИЛАЯПТИ?

Ўрис парапсихологи А.Золотовнинг бир мақоласида шундай жумлалар бор: "Қора магия илми қора кучлар томонидан асосан қалби нопок, иродаси заиф, ўзининг шахсий фикрига эга бўлмаган, разилликка мойил кимсаларга берилади. Улар ёвуз кучлар иродасини ана шундай кимсалар орқали ер юзига тарқатиб, залолат уруғини экадилар. Сўзимнинг далили бор: Нима учун бундай илмлар билан жамиятни ортидан эргаштириш қўлидан келадиган бирор олим кишига берилмайди?!".

Бир фолбин аёлни биламан, ёши ҳали ўттизга ҳам чиқмаган. Аммо, мижозлари жуда кўп, фол очиб, аёлларга эрининг хуштори борлигидан ёки яқин келажакда бўлишидан башорат қилади, отани болага, эрни хотинга, қўшнини қўшнига илитиб-иситади, ходимларга раҳбар меҳрини тушириб берадиган дуоси ҳам бор, аммо анчагина қиммат туради. Чўнтак кўтарса, марҳамат, ишда обрў-эътиборингиз ошиб бораверади. Бечора аёллар тотув оиласининг бахтига чанг солган номаълум хушторнинг етти пушти ғашти мозорига ғишт қалаб, чой, мой ва ҳоказоларга дам урдиргани балогардон фолбинга олиб чопгани чопган. Оқибат-чи, оқибат нима бўлади?! Илму-амаллар, қора магия домига ўралашган бечоранинг ҳоли нима кечади?!

"Қора магия - жодугарлик илми билан шуғулланиш азалдан ҳам бор, - дейди таниқли журналист ва ёзувчи Рустам Обид. — У бамисоли тирик бир модда бўлади, кимгадир албатта уради. Жоду йўналтирилган одамнинг мияси боғланади, ўзининг йўлидан адашиб фикрлари чалкашади. Оқибатда ишлари тескари кетиб, жамиятдаги ўрнидан, обрў-эътиборидан ажралади. Оғирроқ ҳолларда эса ўлим ёки ногиронлик билан якунланади. Афсуски, бугунги кунда бир-бирини сеҳр-жоду қилиб, йўлини, илмини, омадини, бахтини боғлайдиганлар кўпайиб бормоқда.

- Сеҳр-жодудан, яъни қора магия таъсиридан сақланиш мумкинми? - сўраймиз Рустам акадан.

- Аввалambор, бу манфур иш билан шуғулланувчиларга Аллоҳнинг ўзи инсоф берсин, - дейди у. — Қора магия таъсири ўтишидан сақлайдиган восита йўқ. Ҳатто пайғамбаримизни ҳам вақтида жоду қилиб хасталикка дучор қилишган. Қора магия таъсирини фақатгина дуонинг кучи билан вужуддан қувиш мумкин.

Қора магия билан шуғулланувчилар ўзларининг алал-оқибат жазога мустаҳиқ эканликларини билишадилар, охиратлари куйиб кетишдан ҳам бохабарлар. Аммо шунга қарамасдан бу жирканч ишдан тийилишмайдилар.

Қора жоду енгилганидан кейин у ўзининг бирламчи мансабига, яъни яратган одамига бориб уради ва ўз эгасини баайни қутурган итдек балога гирифтор қилади. Агар эгаси ўлган бўлса, мозорига бориб ёпишади.

ЎРНАКНИ КИМДАН ОЛИШ КЕРАК?

"Ҳуррият" муштарийларининг ёдларида бўлса, севимли газетамизнинг 1999-йил, 4-сонида "Бер-бер даргоҳ" номли мақола чоп этилган бўлиб, унда Зангиота зиёратгоҳида тиланчилар, фолбинлар ниҳоятда кўплиги, зиёратгоҳнинг айрим хизматчилари таъмагирликлари тўғрисида фикр юритилган эди. Шу йилнинг 10-16 февраль сонида эса йигирмалик комиссия раиси М.Зиёхўжаевнинг "Санамай саккиз демайлик" деган мақоласи чоп этилиб, унда тиланчилар дунёнинг кўпгина мамлакатларида учраши, ҳатто Маккада ҳам тўп-тўп бўлиб юришини айтиб, менинг далилларимга раддия билдирилганди. Шунда камина "Севимли газетамиз саҳифаси даҳанаки жанг майдонига айланиб кетмасин" деган андиша билан фикрларимни чоп этишдан тийилгандим. Бугун мавриди келди.

Хўш, ҳурматли комиссия раиси, хорижда тиланчи ва бевабечоралар кўп бўлса, раддиянгизда битилганидек, черковлар атрофи-ю қабристонларда тўп-тўп бўлиб юрса, бу — бизда ҳам айнан шундай қилиниши керак деган гап эмаску, ахир. Айтайлик, Америкада гомосексуалистлар жамияти бор, Фарангистонда эса лесбиянкалар иттифоқи бор. Хўш, улардан андоза олиб республикамизда ҳам шундай уюшмалар ташкил қилсак, мантиққа тўғри келармикан? Ёки Японияда бор экан деб "Ўзбекистонда ҳам "Аум Синрикьё" мазҳабини, Эронда бор экан деб "Кадариячилар" мазҳабини тузсак миллат ва давлат нуфузига путур етмасмикан? Менимча, ўрнакни яхши нарсалардан, гўзал ҳолатлардан олиш керак! Минг бор таассуфлар бўлсинки, мақолада куюнчаклик билан билдирган фикрларимдан кейин ҳам муқаддас қадамжоларда, зиёратгоҳларда бирор-бир ижобий ўзгаришлар юз бергани йўқ.

Яқинда Хоразм сафаридан қайта туриб Самарқанд қадамжоларини ҳам зиёрат қилиб ўтиш истаги туғилди. Шу қутлуғ мақсад билан машина рулини Шоҳизинда қадамжосига бурдик. Машинани тўхташ жойига қўйиб ташқарига чиқишимиз билан атроф тўполон бўлиб кетди. Биз Нострадамуснинг охирзамон тўғрисидаги башорати рўёбга чиқиб қолдимикан деган ҳадик билан қарасак, ҳайтовур, тиланчи ва фолбинларнинг киёматидан бошқа ҳеч бало эмас экан. Хуллас, дўстларимиз билан бир гуруҳ тиланчи ва дуогўйларнинг қуршовида кетмоқдамиз. Қурғурлар, оёқ остида ўралашиб, юришга халақит беришади. Бир неча дақиқадаёқ чўнтакларимиздаги майда пулларимизни гадоларга тарқатиб бўлдик. Каттароқлари эса ишончли жойда, шу таскин билан бир амаллаб зиёрат қилиб чиқдик. Чиқсак, тиланчиларнинг абжирроқлари машинанинг иккита ён ойналарини ечиб кетишган экан.

"Бахтингдан очийми, тахтенгданме?" деб ўтирган қирқтача фолбиннинг энг семизини танлаб олдига бордим-да: "Ойналаримизни топиб берсанг, беш юз бераман", – деб гапга солдим. У иқирт бир рўмолни ерга ёйиб устига бир кўҳна китоб, қайчи ва пичоқ қўйди-да, ишни бошлаб юборди. Узоқ пичирлаб дуо ўқиган бўлди-да, китобнинг дуч келган варағини очиб ўқий бошлади. Унинг айтишича, машина ойнасини иккита ўн беш, ўн олти яшарлик, бири қора пакана, иккинчиси оқсариқ, узун ўсмирлар ечиб олган эмиш. Садағанг кетай, бу жойда пакана қора боладан нақ юзтача, сариқ узун боладан эса мингтача топиш мумкин. Хуллас, зиёратдан таъбимиз тирриқ бўлиб қайтдик. Бироз юргандан кейин газли сув ичиш баҳонасида машинадан тушдик-да, ички чўнтакка қўл тиқиб, қон босимимиз тушиб кетди, не кўз билан кўрайки, чўнтаклар куп-қуруқ эди. Шоввоз тиланчилар тиқилинч ичида бутун баданни сермалаб чиқишган.

Юқорида келтирилганлардан мақсад нима? Мақсад битта, диёримизнинг гуллаб-яшнаши, одамлар орасида меҳр-оқибат, иттифоқчилик йўқолмаслиги, оилаларнинг барбод бўлмаслиги, халқ орасида парокандалик юз бермаслиги учун шайтоний илм, қора магия билан, фолбинлик, дуохонлик билан шуғулланувчи кишилар фаолияти қаттиқ текширилиши, бузғунчилик, иссиқ-совуқ билан, одамлар орасини бузиш билан шуғулланувчилар қонун йўли билан жазосини олмоғи лозим.

Мен ўз фикрларимни атроф-муҳит шароитидан келиб чиққан ҳолда дунёқарашларим даражасида изҳор этарканман, Сиз азизларга бу мутлақо ҳақиқат деган фикрни уқдиришдан йироқман. Ҳар кимнинг ўз фикри бор. Сизнинг фикрингиз қандай?!

САБОК

ЖУРНАЛИСТНИНГ ҲУҚУҚИ ВА БУРЧИ

Ахборот олиш имкони. Ахборотни излаш ва олиш ҳуқуқи. Аккредитация. Ахборотнинг ҳуқуқий мақоми.

Ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси билан кафолатлангандир. Шунингдек, бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунида ҳам ўз аксини топган.

Ахборот олиш эркинлигининг асосий тамойиллари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир.

Қонуннинг 7-моддасида: "*Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишибчиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади*", дейилади.

Албатта, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи барча фуқароларга тегишлидир. Хўш, журналистларнинг бу ҳуқуқи қонунчиликда қай тарзда муайянлаштирилган? Ўзбекистон Республикасининг "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг "Журналистнинг ҳуқуқлари" борасидаги 5-моддасида бу ҳуқуқ батафсил баён қилинган ва кафолатланган. "*Журналист ўз касбига доир фаолиятини амалга ошириш чоғида: ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш; ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш; давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш; журналист текшируви ўтказиш; ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз-фикр мулоҳазасини ифодалаш; журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш; маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш; шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш; судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш; эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш; башарти, қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш; ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир эжараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш; ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш; тақдим этган хабарнинг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузибэълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш; жамоат бирлашмаларига, шу жумладан, журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқига эга...*"

Албатта, журналистлар давлат органи ёки жамоат бирлашмасида аккредитация қилинишлари мумкин. Ушбу Қонуннинг 11-моддаси журналистларннинг аккредитация қилиниши масаласига бағишланади. Мазкур моддада, жумладан шундай дейилади: "*Журналистлар аккредитация қилинган давлат органлари ва жамоат бирлашмаларида ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида журналистга олдиндан маълум қилишлари ва зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни тақдим этишлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг журналисти хорижий давлатда аккредитация қилиниши мумкин. Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилиниши мумкин*".

Ахборотнинг ҳуқуқий мақоми фақатгина юқорида тилга олинган меъёрлар билангина белгиланмайди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг **Фуқаролик кодекси** 81-моддасини келтириш жоиздир. **"Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари"** аталган мазкур моддада "*Фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек, шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради*", - деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги Қонунида ахборотга нисбатан мулкчилик ҳуқуқи кафолатланган: "*Ахборот давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолият маҳсули сифатида моддий ва интеллектуал мулк объекти бўлиши мумкин. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ахборотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланадиган мулкий ҳуқуқга эгадирлар. Ҳужжатлаштирилган ахборот мулк объекти сифатида алоҳида ҳужжат ёки ҳужжатлар тўплами шаклида (кутубхона, архив, фонд, билимлар базаси ва бошқа шаклларда) намоён бўлади*".

Рукнни Карим БАҲРИЕВ тайёрлади.

МАҒРИБУ МАШРИҚ
INTERNATIONAL LIFE

СИЁСАТ

РОССИЯ: ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 январь куни Россия Федерацияси бош вазири Владимир Путиннинг вақтинча Россия Президенти вазифасини бажаришга киришганлиги муносабати билан унга шахсий мактуб йўллади.

Ислом Каримов Владимир Путинни янги лавозими билан қутлар экан, Россия ҳукумати раҳбарининг яқиндагина Тошкентга қилган ташрифи ҳар икки томон учун ҳам самарали ўтганлигини қайд этади. "Сизнинг Ўзбекистон билан Россияни боғлаб турган дўстлик ришталарининг теран тарихга эгалиги ҳамда ана шу азалий дўстона муносабатлар ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилишимиз учун энг ишончли пойдевор экани хусусида билдирган фикрларингизга тамомила қўшиламан", деб таъкидланади Ўзбекистон раҳбарининг мактубида.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, айни пайтда, янги лавозимда иш бошлаган Владимир Путин янги йил байрами кунларида қирққа яқин қонун ҳужжатларини кўриб чиққан ва тасдиқлаган. Ваҳоланки, сал илгарироқ В.Путин янги йилни Санкт-Петербургда – оила аъзолари даврасида ўтказишни ҳамда январ ойининг бошида Камчаткага сафар қилишни режалаштирган эди. Кутилмаганда янгича мақомни эгаллаган Россия ҳукумати раҳбари эндиликда ўз иш режасига муайян ўзгартиришлар киритаётгани, шарҳловчиларнинг фикрича, 47 яшар В.Путиннинг ушбу масъулиятли вазифани бажаришга ғайрат билан киришганлигидан далолатдир.

Гап шундаки, янги йил арафасида Борис Ельцин Россия Федерацияси Президенти лавозимидан муддатидан олдин истеъфога чиқиши тўғрисида баёнот берди. Борис Ельциннинг бундай аҳди, шунингдек, Владимир Путиннинг Россия давлати раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланиши, шубҳасизки, жаҳон жамоатчилиги эътиборидан четда қолмади.

Европа Иттифоқи томонидан Борис Ельцин истеъфоси муносабати билан тарқатилган махсус баёнотда таъкидланишича, ҳозирги пайтда Россия Европага дахлдор давлат сифатида демократик янгиланишларни жорий қилишда давом этиши, айниқса, муҳимдир. Бундай ислоҳотлар, ўз навбатида, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг янада равнақ топишига хизмат қилади. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар Россияда бўлажак Президентлик сайлови демократик тамойиллар асосида ҳамда конституциявий талабларга мос равишда ўтишига ишонч билдирадилар, дейилади баёнотда.

НАТО ташкилоти бошқа давлатлар тепасидаги раҳбарлар алмашинувини шарҳламаслигини маълум қилган мазкур альянс матбуот хизмати вакили россиялик мухбирнинг саволига жавоб бериб, Ельциннинг истеъфоси Россиянинг ички иши эканини қайд этди.

Янги йил арафасида Россия давлати ҳаётида юз берган ушбу янгиликка дунёнинг машҳур сиёсат арбоблари, давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари ҳам турлича муносабат билдирмоқдалар. Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Россия етакчисининг истеъфоси тўғрисидаги хабарни эшитибоқ берган баёнотида Ельциннинг хизматларини юксак баҳолади. "Борис Ельциннинг етакчилиги кўмагида дунё янада осойишта ва барқарор тус олди", -деди Тони Блэр.

АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳам Ельциннинг қарорини маъқуллаб, келгусида Путин билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди. Б.Клинтоннинг уқтиришича, Борис Ельцин мамлакатга етакчилик қилган даврда Америка-Россия муносабатларида сезиларли ютуқларга эришилган. Хусусан, томонлар 5 мингта жанговар ядровий каллакларни зарарсизлантиришга муваффақ бўлдилар. "АҚШ ва Россиянинг ракеталари эндиликда бир-бирини нишонга олмаётганлигидек муҳим фактни ҳар икки мамлакат халқлари бирдек муносиб қадрлашлари керак", деб таъкидлади Оқ уй раҳбари.

Франция Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари Лионель Жоспен айни чоғда Россияда Президент сайлови билан боғлиқ сайловолди кампанияси бошлангани хусусида сўзлаб, бўлажак Россия Президенти сайлови қонуний асосда ўтажагига умид билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов Ислом Каримовнинг Владимир Путинга шахсий мактуби мазмуни билан журналистларни таништирар экан, Борис Ельциннинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги қарорини Россияда юзага келган ҳозирги вазиятда кучли ва мард инсон томонидан қабул қилинган ягона ва энг оқилона чора, деб баҳолади.

Россия Конституциясига кўра, Президент муддатидан илгари лавозимидан кетса, мамлакатда яқин уч ой ичида сайлов ўтказилиши керак. Шу боис, янги Президент сайлови 26 март куни бўлиб ўтади. Бу хусусда махсус қарор қабул қилиш учун Федерация Кенгаши 9 январ куни ўзининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиши кутилмоқда.

"Туркистон-пресс"

МУНОЗАРА

ЎЙНАБ ВА ЎЙЛАБ ГАПИР

"Ҳуррият" газетасининг 1999 йил 22 декабрь сонида АҚШда яшаётган ўзбек олимининг мақоласи чиққан эди...

Тўра МИРЗАЕВ, филология фанлари доктори, профессор

"Ҳуррият" газетасининг ўтган сонида Индиана университети профессори Хайрулла Исматулланинг "Оксфорд университети ва Алпомиш руҳи" деган баландпарвоз сарлавҳа остида бир мақоласи босилиб чиқди. Ҳа, энди ўн йил кечикиб бўлса ҳам, профессор Ҳасан Поксойнинг Ҳартфорд шаҳрида 1989 йилда босилиб чиққан "Алпомиш" - Ўрта Осиёнинг ўзлиги рус ҳукми остида" деган китобига тақриз ёзилибди-да, деб қўя қолиш мумкин эди. Зеро, бундай тақризлар, ахборотнома тарзидаги мақолалар керак ва зарур. Аммо мақолада "Алпомиш" достонини ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганиш бўйича 1922 йилдан бери изчил равишда Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларни билиб-билмасликка олиш, уларга юқоридан туриб баҳо беришга ҳаракат қилиш, "Алпомиш" масаласи гўё Оксфорд университети ўқувхоналарида ҳал қилинган, деб кўрсатишга уриниш тамойили ҳукмронлик қиладики, мени ана шу нарса безовта қилмоқда. Шунинг учун ҳам бу мақолага муносабат билдиришни виждоний бурч, деб билдим.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, Ҳасан Поксойнинг 1989 йилда нашр этилган китобининг иккинчи ва тўртинчи боблари жуда ҳам маънодор қилиб "Алпомиш" достонини йўқ қилишга ҳамда сақлашга бўлган уринишлар. Биринчи уриниш", "Алпомиш" достонини йўқ қилишга ҳамда сақлашга бўлган уринишлар. Иккинчи уриниш" деб номланган. Тақризчи ҳам бунга алоҳида урғу беради. Тўғри, "Алпомиш" достонини йўқ қилишга уриниш бўлди. 1952 йилда А.Абдунабиев ва А.Степановларнинг мақолалари билан бошланган бу қабиҳ уринишнинг оқовалари 1954 йилгача зўрға етиб келди, холос. Аммо "Алпомиш"ни сақлаб қолиш бўйича ўзбек олимларининг олиб борган ишлари ва тадқиқотларини шунчаки уриниш, деб баҳолаш адолатсизликдан бошқа нарса эмас.

Аслида ўша таҳликали йилларда нималар бўлган эди?

"Алпомиш" достони ман этилган бўлса-да, ўзбек олимлари унинг вариантларини ёзиб олиш ва илмий ўрганиш ишларини сира ҳам тўхтатмадилар. Ҳатто ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф 1954 йилдаёқ Москвада эпосшуносларнинг йиғилишида қилган маърузасида нақд оловнинг оғзида туриб, "Алпомиш"нинг ман этилиши илмий жиҳатдан асоссиз эканлигини ҳар томонлама исботлаб берди. Ҳамкасблари Мансур Афзалов, Александр Боровков, Ойсулув Валитовалар уни қўллаб-қувватлаб чиқдилар. 1956-1957 йилларда "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетасида ва "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока" журналларида Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Исмоил Сағитов, Шарифа Абдуллаева, Худойберди Дониёров, Нуриддин Шукуров, Сайдулло Мирзаев каби олимларнинг "Алпомиш" достонига нисбатан бўлган нигилистик қарашни танқид қилувчи мақолалари кетма-кет эълон қилинди, достоннинг ўзбек ва қорақалпоқ вариантлари нашр этилди. 1959 йилга келиб, Тошкентда "Об эпосе "Алпамыш" номида фундаментал тадқиқотлар тўплами босилиб чиқди. Агар бу тадқиқотлар тўпламининг нашр этилишини "Алпомиш"ни халққа қайтариш йўлидаги жиддий бир марра, деб ҳисобласак, мақола муаллифи буларни яширган ҳолда Ҳасан Поксойнинг бундан роппа-роса 30 йил кейин, 1989 йилда эълон қилинган китобига асосланиб, "Алпомиш" масаласи Оксфорд университети муҳитида ҳал қилинган, демоқчи бўлади ва Ўзбекистонда "бирор эътиборли илмий тадқиқот ҳануз яратилгани йўқ", дея асоссиз равишда даъво қилади.

Хўш, 1959 йилдан кейин-чи? Ундан кейин ҳам "Алпомиш" достонини изчил ўрганиш давом этди. Бир неча монографиялар нашр этилди, номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Айниқса, мустақиллик йилларида "Алпомиш"га қараш тубдан ўзгарди. Достонни ўрганишда янги бир босқич бошланди. Бу ўринда фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маълум ва машҳур қароридан кейин 1998-1999 йиллардагина нашр этилган китобларни санаб ўтиш билангина чекланамиз. Атоқли достончилар Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Берди бахши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли, Хушбоқ Мардонақулов вариантлари Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивидаги қўлёзмалар асосида тўла равишда алоҳида-алоҳида китоблар тарзида, қорақалпоқ версиясининг Қиёс жиров варианти эса, нота ёзуви билан биргаликда нашр этилди. Достон рус тилида Л.Пеньковский таржимасида қайта босилди, ундан парчалар инглиз тилида чоп қилинди.

"Алпомиш" - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" номли тадқиқотлар тўплами, Ж.Норалиевнинг "Алпомиш юртга қайтди", М.Абдураҳимовнинг "Внимая слову "Алпомыша", Ғ.Ҳотамов ва Ш.Ҳамроевларнинг "Миллат хотираси", О.Мадаевнинг "Алпомиш" билан суҳбат" каби рисолалари, М.Муродов ва А.Эргашевнинг "Алпомишнома" монографияларининг биринчи китоби босилиб чиқди. Энг муҳими, "Алпомиш" достонининг 53 босма табоқ ҳажмидаги академик нашри тайёрланди ва чоп этилди. Булар "Алпомиш" достонининг ўрганилиш тарихи, уни ўрганишга қўл урган олимлар тарихи, бизнинг тарихимиз. Бу тарих холис ва ҳалол ёритилиши керак. Биз буларни ёритишни Хайрулла Исматулла ва унинг мақоласидан талаб қилаётганимиз йўқ, албатта. Уларни мақоладаги ҳар хил писандалар ва илмоқли гапларга жавоб тарзида келтирдик, холос.

Хайрулла Исматулла "Алпомиш" достонининг Л.Пеньковский томонидан рус тилига қилинган таржимасига ҳам нохолис баҳо беради ва асоссиз равишда Ҳамид Олимжон нашрини "икки марта қисқартириб таржима қилган", - деб ёзади. Бу мулоҳаза осмондан олиб ёзилганлигини қуйидаги рақамлар ҳам тўла равишда тасдиқлайди. Достоннинг Фозил шоир варианти наср қисмидан ташқари 13715 мисрадан иборат. Ҳамид Олимжон унинг саккиз минг мисрага яқин қисмини нашр этган. Л.Пеньковский таржимаси эса, ўн минг мисрадан ортиқроқдир. Аслида "Алпомиш" таржимаси мутахассислар тайёрлаган таглама асосида 1946-1948 йилларда амалга оширилган. Унинг тепасида Ҳоди Зарифдай аллома турган. Бу даврда ҳали Фозил шоир ҳам барҳаёт эди. Шунинг учун ҳам бу таржима мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди ва ҳозиргача қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда. Бор-йўғи 832 қатордан иборат чала бир вариантни таржима қилган Ҳасан Поксойни мақташ учун ўзбек эпосининг хорижий тилдаги нодир намунасига айланган бир асарни ва унинг таржимонини шунчалик ерга уриш керакми?! Шунингдек, Хайрулла Исматулла достоннинг Л.Пеньковский таржимаси асосидаги қандайдир немисча таржимаси ҳақида ҳам сўзлайди. Бундай таржиманинг борлиги бизга маълум эмас. Чамамда, мақола муаллифи достон қозоқча вариантининг немис тилидаги таржимасини кўзда тутаётган кўринади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кунда ўзбек фольклори, шу жумладан, "Алпомиш" достони хорижда муносиб тарзда ўрганилмоқда. 1992 йилда профессор Карл Райхлнинг "Туркий оғзаки эпик поэзия: анъаналар, шакл ва бадиий услуб" номли фундаментал монографиясининг Лондонда нашр этилиши бунинг ёрқин далилидир. Бундан олдинроқ шу олим мазкур сатрлар муаллифининг "Алпомиш" достони ҳақидаги тадқиқотини таржима қилиб, Бохумда чиқадиган "Туркология материаллари" тўпламида нашр этган эди. Достоннинг энг яхши вариантларидан бири – Саидмурод Паноҳ ўғли варианти немис тилига таржима қилинди. Ҳозирги кунда Карл Райхл достоннинг энг мукаммал нусхаси – Фозил шоир вариантини таржима қилмоқда.

Мақолада академик В.М.Жирмунский ва профессор Ҳоди Зариф муносабатлари ҳам бузиб талқин қилинган. Хайрулла Исматулла ҳеч тап тортмай: "Ҳ.Поксойнинг хулосасига кўра, Жирмунский ўз мансаб ва обрўларини Ҳоди Зариф ёзганлари асосида топган. Ҳасанбекнинг Оксфорд университети ўқувхоналарида бундан 30 йил (китоб нашр этилганига 10 йил бўлган, қандай қилиб 30 йил бўлади?) олдин чиқарган бу хулосасига ҳозирги кунларда жуда кўп ўрта осиёлик мунавварлар қўл қўйган бўлардилар. Ҳасанбек ўрта осиёлик ҳамкасблари айта олмасдан, дилларига тугиб юрган гапни ўз китобида бутун дунёга эшиттириб, баралла айтган", - деб ёзади. Биринчидан, бундай хулосани биз Ҳасан Поксойнинг китобидан топа олмадик. Иккинчидан, кимдир мабодо шундай мулоҳаза юритган бўлса ҳам, бу энди жоҳилликдан бошқа нарса эмас. Ўз умрларининг каттагина қисмини шўро даврида ўтказган, шу билан бирга коммунистик мафкурага муккасидан кетмаган, ўзбек эпоси бўйича ҳамкорликда бутун жаҳон тан олган фундаментал тадқиқот яратган, тириклигида бир-бирини ғоятда иззат-икром билан ҳурмат қилган ўзаро тенг, забардаст бу икки олимнинг бугунги кунда бир-бирига қарама-қарши қўйилиши кимга ва нима учун керак бўлди экан?!

Муҳтарам газетхонга бизнинг бу мулоҳазаларимиз зинҳор-базинҳор Ҳасан Поксой китобини қоралаш учун ёзилгандек туюлмаслиги керак. Ҳасан Поксой ўз ишига ҳалол муносабатда бўлган ва "Алпомиш" бўйича туркийшунос олимлар олиб борган ишларни ҳамда уларнинг хулосаларини инглиз тилида баён қилиб берган. Ҳар бир баёнида бизда нашр этилган китобларга ҳаволалар қилган. Шу жиҳатдан унинг китоби жуда катта маърифий аҳамиятга эга. Хайрулла Исматулла эса, ўзбек олимлари эришган натижаларнинг деярли барини "30 йил олдин ёритиб берган", "30 йил олдин чиқарган хулоса", "тарихий ҳужжатлар асосида батафсил баён қилган" (негадир бу ҳужжатлар Ўзбекистонда сақланаётганлигини унутиб қўяди), деган писандалар билан Ҳасан Поксойнинг хизмати қилиб кўрсатади. Нима учундир халқимизнинг "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" деган доно насиҳатини унутиб қўяди.

СЎРОВ

ЭНГ ИШОНУВЧАНИ - МАЛАЙЗИЯЛИКЛАР

Дунё аҳолисининг анчайин катта қисми ўз мамлакатлари ҳукуматини коррупциялашган ҳисоблаб, унга ишонишмайди. Шу фикрдан келиб чиқиб жамоатчилик фикрини ўрганишга асосланган Буюк Британиянинг Гэллап Институти 60 мамлакатда социологик сўров ўтказди. Анкета саволларига жами 50 минг киши жавоб берди. Натижалар чакки эмас. Шарқий Европа ва Лотин Америкаси аҳолиси ўз ҳукуматига нисбатан кўпроқ шубҳа билан қарашаркан: сўралганларнинг атиги 12,1 ва 23,3 фоизигина ўз ишончини тасдиқлашди, холос. Ҳокимият органларининг машҳурлик даражаси Африкада бирмунча юқори бўлиб 52,2 фоизни, Ғарбий Европада эса 37,5 фоизни ташкил этаркан. Энг ҳурматга ва эътиборга лойиқ дея Малайзия бошқарув маҳкамалари эътироф этилди.Қуйидаги давлат ҳукуматлари эса аҳоли ўртасида оммабоплик даражаси кундан-кунга пасайиб бораётганлар сирасига киради: Нигерия, Таиланд, Тайван, Филиппин ва Норвегия.

"ЭХО планеты"дан олинди

ЖИНОЯТ

ДЕҲҚОН РЭКЕТЧИ БЎЛОЛМАДИ

Буюк изқувар Шерлок Холмс Польша Миллий банкидан йирик миқдордаги пулни айёрлик билан қўлга киритишга уринган шантажчи манзилини айтиб берди.

Варшава яқинидаги қишлоқлардан бирида яшовчи 22 яшар деҳқон ўз кучи ва ақл имкониятларини чамаламай туриб, касбини рэкетчиликка янгиламоққа қарор қилди.

Аввалига барчаси силлиқ кўчди гўё. Йигит банк бошқарувига қўнғироқ қилиб, бино бомба билан гаровга олинганини билдирди ва хилват жойга 30 минг злотый (Польша пул бирлиги, 7,5 минг АҚШ доллари) келтириб берилишини талаб қилди. Полиция кўп ўйлаб ўтирмай, бахтсиз рэкетчи яширинган боғни аниқлаб, уни қўлга олди.

Биринчи суриштирувдаёқ шантажчининг сиёқи маълум бўлди: бахтсиз рэкетчи-деҳқон бу қилмиши учун "атиги" 10 та оладиган бўлди.

ТАФАККУР

ПАРДОЗСИЗ ФИКРЛАР

Дунёда фақат яхши ва ёмон журналистика бор. Яхши журналистлар, улар қаердан бўлмасин, ягона нарсага интилишади: ақлли, фактларга асосланган нияти тоза журналистика. Яхши журналистлар ер юзида ўз вазифаларини бир хил тушунадилар - савол бериш ва шубҳаланиш.

Дэвид РЭНДЕЛЬ

***

Газеталар велосипедчи йиқилиши билан цивилизация инқирози ўртасидаги фарқни кўра билмайдиганга ўхшайди.

Бернард ШОУ

***

Журналист - ер юзида энг меҳнатсевар дангаса.

Дэвид РЭНДЕЛЬ

***

Агар кимки газета мухбири бўлиб ишлар экан, демак унинг феълида қандайдир қусур бор.

Б.ЖОНСОН, АҚШ президенти

***

Агар сиз юз минглаб соғ одамнинг бир жойдан халос бўлиш ниятида отилиб чиқиб кетишга уринаётган бир пайтда бир тўда девоналар уларга қарама-қарши томонга ўзини урганини кўрсангиз, билингки, улар мухбирлардир.

Г.НИКЕРБОКЕР

***

Ғазетчилар энг бемаъни саволларни ёғдиришдан тойишмайди. Улар қуёшга қараб туриб, у чарақлаяптими ё йўқми, деб сўрашади.

Сонни ЛИСТОН

***

Муаллифнинг шахсий кўнгилхушлиги учун ёзилган нарса ҳеч нарсага арзимайди.

Блез ПАСКАЛЬ

***

Газета муҳаррири шундай одамки, у нима хоҳлашини аниқ билади, лекин бунга тўла ишончи комил эмас.

Уолтер ДЭЙВЕННОРТ

Шаҳноза ҲАЙДАРОВА тўплади

АЖАБО!

Дунёда ҳар дақиқада 21 гектар тропик ўрмон, ҳар соатда эса 685 гектар боғ-роғ текисликка айланмоқда.

МУТОЛАА

ОЗОДЛИК

Мустафо АЛ-МАНФАЛУТИЙ, таниқли араб маърифатпарвари ва адиби (1876-1924)

Тонг саҳарда мушук тўхтамай миёвлайвериб уйқумни ўчириб юборди. Мушук одатдагидан ташқари безовталигини кўриб, "Очиқибди" деб ўйладим. Бироқ у таомга қайрилиб қарамади ҳам. Ташна бўлгандир? Сув бердим. Яна юзини тескари бурди. Унинг кўзда оғир дард ва ситам аломати кўриниб турарди. Ўша топда қани эди ҳайвон тилига тушунадиган одамга айлансаму, шўрлик мушугимнинг жонига оро кирсам деган ўйга бордим. Шундагина эшик томон юрган заҳотим у менга эргашаётганини ва эшикнинг очилишини кутаётганини сездим.

Эшикни очган заҳотим мушук худди қанот чиқаргандек шодумонлик билан ташқарига отилди.

Уйқум ўчиб, хаёлга толдим: "Наҳотки мушукдек жонивор ҳам шу қадар озодликни қадрласа?! Наҳотки, у эшикдан чиққанига шу қадар қувона билса?! Унинг оғир дардга чалингандек мунғайиши, емак-ичмакдан ҳурликни афзал билишини айтмайсизми!"

Назаримда, мустабид тузум қулларига айланган кўплаб инсонлар ҳам мана шу мушукчалик озодликнинг қадрига етмайдилар.

Инсон чорасини топишга қодир бўлмаган энг мушкул муаммолардан бири тил-забонсиз махлуқ аксарият ҳолларда онгли инсондан кўра озодликнинг қадрига кўпроқ етади. Наҳотки барча инсоний қайғу-кулфатлар боиси тил туфайли бўлса? Наҳотки ибтидоий ҳурлик эҳтиёжига эришмоқ учун тилзабонсиз ўтмишга қайтишдан ўзга чора бўлмаса?

Қуш самода парвоз қилади, балиқ сувда сузади, ҳайвон тоғу-тошда кезади, фақат инсонгина бешикдан то қабрга қадар икки ҳибсхонанинг - ўз қалби ва ўз давлати ҳибсхоналарининг маҳбуси сифатида яшаб ўтади.

Кучли кучсиз учун кишан ва занжирларни ҳозирлаб қўяди-да, уларни гоҳ қонун, гоҳ ҳуқуқ дея атайди ва адолат тантанаси мақсадида ва қонун манфаати йўлида кучсизни озодликдан маҳрум этади.

Энди кучсиз одам ўзининг ҳар бир босган қадами, олган-чиқарган нафасигача қонунга зидми-зид эмасми, деган хавотирда яшайди.

Мустабиднинг жинояти одамларни озодликдан маҳрум қилганида эмас, балки улардаги руҳни синдирганида, бу аҳволга тушганлар ҳақсизликда ва қафасда яшаётганликларини ҳис қила билмай қолганликларидадир.

Озодлик — ҳар бир инсон қалбини чароғон этгувчи қуёшдир.

Озодлик, бу — ҳаёт.

Озодлик – инсоният тарихидаги боқий муаммо.

Озодлик истаб қўлини чўзган одам тиланчи эмас. У ўзининг қонуний ҳуқуқини талаб қилмоқда. У қўлга киритган ҳурлик ким томондандир кўрсатилган марҳамат эмас, ҳадя этилган совға-салом ҳам эмас.

Русчадан таржима

МАРГАРЕТ ТЕТЧЕР ҚАЙ ВАҚТДА УХЛАЙДИ?

Психологларнинг таъкидлашича, тонг ёришмасдан олдин турадиган одам ҳамма нарсага эришиши мумкин, бироқ туни билан ишлаб, кеч ётадиганлар бошқаларга қараганда тез фикрловчи, кучли хотира эгаси бўлишади. Хусусан, машҳур композитор Моцарт, француз файласуфи Декартес каби истеъдод эгалари ҳам кечаси билан ухламай ижод билан машғул бўлишган.

АҚШнинг Сидней университети ва ҳарбий ҳаво кучлари биргаликда кеч ётишни афзал кўрасизми ёки эрта туришни, каби анкета саволлари билан 400 дан зиёд киши орасида сўров ўтказди. Сўнгра уларнинг фикрлаш қобилиятлари ва хотира қувватлари махсус тест орқали текшириб кўрилди. "Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, тунлари ақлий меҳнат билан шуғулланиб, кеч уйқуга кетадиганларнинг интеллектуал салоҳияти бирмунча юқори бўлади, аммо эрта ётиб, эрта турадиганларнинг барча ишлари бароридан келади", - деди маҳаллий журналистларга берган интервьюсида Сидней университетининг профессори Ричард Роберто. Олимлар бу ҳолни тунлари бирор нима билан машғул бўлиб, кеч ухлаш инсонларга қадимги ота-боболаридан ирсият орқали ўтган хусусият бўлиши мумкин, дея изоҳлашмоқда. Уларнинг фикрича, ибтидоий даврларда инсонлар қоронғу тушиши билан йиртқичларга ем бўлмаслик учун янада ҳушёрроқ бўлишган ва ухлаб қолмасликка ҳаракат қилишган.

Лекин айрим кишилардагина кеч ётиш ёки эрта ётиб, эрта туриш одати бир меъёрда бўлади, бу кам учрайдиган ҳодисадир. Хусусан, Англиянинг собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер эрта ётиб, эрта турадиганлардан ва унга кундузги фаолияти учун зарур бўлган кучни тиклаб олиш учун бор-йўғи 5 соат кифоя қилади. М.Тетчернинг фикрича, кўп ухлаш дунёдан ғофиллар учунгина хосдир. Тириклик эса кўпроқ ҳушёрлик ва уйғоқликни талаб қилади.

Нафиса РАВШАНОВА, ЎДЖТУ халқаро журналистика факультети толибаси

Ўзингни англаб ет!
ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
5 январь
1 (154)-сон

[redacted] Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

[redacted] Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 18.30
Буюртма —

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi Sh.SAYDALIYEV

"ОТЧОПАР"ДА

"ТЕЗ ЁРДАМ"ТА ТЕЗ ЁРДАМ



Якшанба кунларининг бири эди. Автопойга бўлаётганини эшитиб "Отчопар"га бордим. Пойгани завқ билан томоша қилиб турган эдик, мусобақада иштирок этаётган автомобиллардан бири бурилиш жойида юмалаб кетди. Томошабинлардан бир қанчаси у ёққа қараб югурди. Ҳамманинг хаёли автомобилдан кўра пойгачида эди. Хайрият, автопойга ташкилотчилари аввалдан "Тез ёрдам"ни тайёрлаб қўйишган экан. У майдон чеккасида турар эди. Шай турган шифокорлар ҳозироқ пойгачига ёрдамга ошиқадилар деган ниятда ўша томондан кўз узмадик. Бироқ, томошабинлар ҳодиса юз берган жойга етиб боришди ҳамки, шай турган "Тез ёрдам" жойидан жилмади. Бир пайт "Тез ёрдам" машинаси ичидан шофёр тушиб, яқин атрофидаги одамларни имлаб чақира бошлади. Зумда 6 - 7 киши келиб, жойидан жилдириш мақсадида машинани итара бошлашди.

Мана, аҳвол! Яхшики, пойгачи спортчининг жароҳати оғир эмас экан, унга махсус ҳозирланган "Тез ёрдам" эмас, мутлақо бошқа "Нексия" автомашинаси ёрдамга етиб борди, ваҳоланки, бундай пайтларда тез ёрдамга муҳтож бўлмаган "Тез ёрдам" шай турмоғи зарур-ку!..

Беҳзод ШУКУРОВ

СОҒЛОМ АВЛОД

МЕҲР–МУҲАББАТ–ЛА ТИРИКДИР ИНСОН!

"Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Табиийки, Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради".

И. КАРИМОВ

Алла айтай, жоним болам, қулоқ солгин, алла,
Ширин аллам тинглаб аста ухлаб қолгин, алла.
Юзларингга томган сувга ҳайрон бўлма асло,
Севганимдан ёдгоримсан, жоним болам, алла.

Ойдинисо ЙЎЛДОШЕВА

Юрагингиз қалқиб тушди. Беихтиёр кўзларингиз намланди. Нега? Севинчданми ёки ҳасратдан? Тушунолмадингиз. Атрофга назар ташладингиз. Ҳаёт ҳар доимгидек давом этаяпти. Кимдир қаергадир шошяпти. Сиз эса қалбингизда энг беғубор ва азиз ҳис-туйғуларнинг уйғонишига туртки бўлган бу қўшиқни қаерда тинглаганингизни излай бошладингиз. Йўқ, йўқ, адашмадингиз, бу ўша, севимли асарингиз "Бой ила хизматчи"дан олинган севимли лавҳа. Назарингизда, масала ойдинлашаётгандай бўлди. Лекин кўнглингиз тўлмади.

Нега севимли лавҳа? Жавоб тополмадингиз. Тополмайсиз ҳам. Чунки у сизнинг онгингизга борлиқдаги энг мунгли, ҳазин, нурли қўшиқ бўлиб муҳрланиб қолган беминнат меҳр. Бу меҳр сут билан танингизга, шуурингизга сингиб кетган барча меҳрлардан азизроқ она меҳридир. Сизга она нафасини етказиб, хотиржам қилган, ором олиб ухлашингизга имкон берган сеҳрли ва меҳрли қўшиқ бу – Алла. Сиз уни тинглаб, ўз онангизни ўзгалардан фарқлаб олгансиз, у аёлда ўзингизга оналик хислатини топгансиз. Аллага онангиз ўз ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, дарду ҳасратлари билан бирга умр йўлдоши, яъни отангизга бўлган муносабатларини ҳам сингдирган. Бу нафақат сизнинг онангизга ёки онангизнинг сизга бўлган меҳрини, балки сизнинг отангизга бўлган меҳр ва муносабатингизни ҳам маънан таъминлаган, сизни манқуртликдан қутқарган. Сизнинг атрофингиздаги, ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган, кўзлари кўз бўлиб яралибдики, бирор марта нам кўрмаган айрим тошбағир инсонлардан фарқингиз ҳам шунда. Сиз ахлоқий, тарбиявий, дидактик, анъанавий ва оний ижод намуналаридан иборат аллани тинглаб улғайгансиз. Илоҳим, сизнинг ҳам кўзларингиз нам кўрмасин.

Аммо фақат юрагида дард бўлган инсоннингина кўзларида нам бўлади. Дардли юраги бўлган инсондан эса фақат эзгулик кутиш мумкин. Тўғри, Оллоҳ бандаларини яратибдики, ҳеч бирини дарддан бебаҳра қолдирмаган. Аммо гап ўша дардни ҳис қила билишда. Ҳис қила билиш туйғуси эса, онангиз тунлари бедор, кунлари беҳол, хузурли озор билан бошингизни тебратиб алла айтганда жажжи юрагингизга илк қадамини қўйган бўлса ажаб эмас.

Бола алла орқали бешикдаёқ Она тилининг оҳангини туя боради, сўзларни илғай бошлайди, уни она куйга қўшиб боласига беради. Ижодкор ўзбек онаси алла айтаркан, бугунгиси кечагисига ўхшамаслиги, ёки оналарнинг айтган аллалари бири бирига сира ўхшамаслиги мумкин. Лекин аллаларнинг барчасида юракни титратадиган аллақандай туйғу бор, умумийлик бор. Инсонни барча мавжудотлардан фарқлаб турувчи меҳр бу, муҳаббат бу! Меҳр ва муҳаббатсиз тириклик эса бефарахдир!



Шукур ҚУРБОН

РАМАЗОН ИЛҲОМЛАРИ

(Шеърга тушган ҳадислар)

Йил - ўн икки ой ичра асли, султони
Келди сизга муборак моҳи рамазон.
Ўпиб, юз-кўзларига суриб иймонни,
У бани одамни айлар имтиҳон.

* * *

— Бу нима?
— Бу – шарбат, ё Расулуллоҳ.
Тайёрланган бодом сувидан.
— Бадавлат, ҳашаматгўй кишилар ичимлиги,
Уни олиб кетинглар бундан.

* * *

Жаннатга тушишнинг йўл-йўриғи кўпдир,
Мумкин кечирилса ҳам гуноҳи кабир.
Дўзахга тушмоққа-чи, кўп нарса шартмас;
Кечирилмас гуноҳи шайтоннинг – кибр.

* * *

Катта бойлик борми дўстликдан, дўстдан,
Ким мендан қарз олмиш – кечганим билсин.
Дўстнинг дўст қошига келар йўлини тўсган
Мол-дунёга Тангрининг лаънати бўлсин.

ҲА-ЗИЛ

"АФАНДИ"ДА ИШЛАЙСИЗМИ?..

Семизлигидан гавдаси қорнига, қулоғи калласига ёпишиб кетган ёзувчи орикдан келган, қулоқлари каттароқ бир шоирга ҳазил қилди:

- Шу қулоқ кўринганидан кейин, албатта, сиз бўлсангиз керак деб ўйловдим ўзим ҳам. Фақат қулоғингиз кўриниб қолибди-ку?

- Шунисигаям шукр, ака. Сизнинг ҳеч қаерингиз кўринмай кетибди-я! — деди шоир шоирона кулиб.

***

Мен ҳажвий ижодларимни кўтариб "Муштум"га борганимда Амирилло Бешимов деган "пародия ёзувчи" менга йўл-йўриқ кўрсатган, анча ёрдамлашган эди. Ўқиш билан бўлиб анча пайт "Муштум"га боролмадим. Бу орада Амирилло ака "Афанди"нинг ишларини ҳам бажараётган эди. Бир куни биз телевидение олдида кўришиб қолдик. Мен у кишининг оғизларини очирмай қуюқ саломлашдим. "Афанди" яхши чиқаётганини, янгиликлар, ўзига хосликлар борлигини айтиб роса мақтадим. "Ўзи ишларингиз яхши кетаяптими", дегандим, у киши:

- Ҳа, ҳозирча дуруст, олти ой бўлди. "Ахборот"да ишлаяпман, — дедилар. Мен мақтовларим зое кетмасин дея:

- "Афанди"га ҳам ўтиб тургандирсиз? — дедим.

- Қўл текканда. Келиб туринг, ука.

Акахон шундай дедилару, камера кўтарган оператор билан бирга шошиб чиқиб кетдилар. Шундан кейин танишларни аввал қайда ишлаётганини сўраб, кейин мақтайдиган бўлдим.

ФУТБОЛ

ЎЗБЕК ЛОБАНОВСКИЙСИ

Одил РЎЗАЛИЕВ

Яқинда журналистлар ва футбол мутахассислари ўртасида ўтказилган сўровлар натижасига кўра 1999 йил "Энг яхши мураббий" деган номга "Нефтчи" жамоаси устози Юрий Саркисян сазовор бўлди. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки, Юрий Саркисян миллий биринчиликни деярли мутлақо янги таркиб билан бошлади ва аввалгидек юқори даражага кўтара олди. Жоиз бўлса, шу ўринда Саркисянни украиналик машҳур Лобановскийга, "Нефтчи"ни эса Киев динамочиларига ўхшатгинг келади. Тўғри, иккала жамоа ва мураббийлар орасида фарқ катта. Лекин жамоаларнинг доимо юқори ўринларда туриши ва мураббийларнинг ўз ишига бўлган муҳаббати бир хил, дея бемалол айтиш мумкин.

Киев "Динамо"си ҳам, "Нефтчи" жамоаси ҳам миллий биринчилик аввалида асосий ўйинчиларсиз қолишди. "Динамо"ни Ю.Калитвинцев, О.Лужный ва С.Шевченко тарк этган бўлса, "Нефтчи" Р.Дўрмонов, Р.Бозоров ва С.Лебедевларсиз чемпионатни бошлади. Бундай ҳол мураббийларнинг олдига жамоани аввалги даражада сақлаб қолишдек оғир юмушни кўндаланг қилиб қўйди. Аммо Саркисян ҳам, Лобановский ҳам бу ишнинг уддасидан чиқди. Тўғри, гарчи динамочилар миллий биринчилик бошиданоқ биринчи учлик қаторида юришди. Лекин чемпионлар лигаси баҳсларининг дастлабкиларида уларнинг боши мағлубиятдан чиқмади. Фарғоналикларнинг эса ҳатто миллий биринчиликда ҳам омадлари юришмади.

Албатта Лобановский ва Саркисян орасидаги феномен тасодиф дейишга тил бормайди. Чунки, "Нефтчи" саккиз миллий биринчиликнинг тўрттасида чемпион, яна шунча марта кумуш медал соҳиби, икки марта мамлакат кубогининг эгаси, МДҲ кубогининг финалчиси ва Осиё чемпионлари кубогининг ярим финалчиси бўлган бўлса, ҳаммасида Юрий Саркисян бошчилигида майдонга тушган. Динамочилар эса Лобановский раҳбарлигида Украина миллий биринчиликларининг ҳаммасида ғолиб, Европанинг "Реал", "Эндховен", "Арсенал", "Барселона" каби машҳур клубларини доғда қолдириб дунёнинг энг номдор жамоалари қаторига кирди.

Ҳар икки мураббий ҳам доимо ўз жамоасини ёш иқтидорли ўйинчилар билан тўлдириб боради. Шунингдек, футболчилар айнан Лобановский ва Саркисян мактабини ўтаганларидан кейин машҳур бўлиб кетишади. Масалан, Максим Шацкихни Лобановский мактабига боргунча ҳеч ким билмас эди. У айнан Лобановский томонидан "топилди" ва Узбекистон миллий терма жамоасига қабул қилинди ҳамда Сергей Шевченко қилолмаган ишни амалга оширди. Яъни ўз миллий терма жамоасини минтақа биринчилигининг финал босқичига олиб чиқди. Шунингдек, Саркисян ҳам ўтган йили талай иқтидорли ёш футболчиларни кашф этди. Айнан фарғоналиклар ҳимоясида Поддубнийнинг туриши дарбозабон Георгий Забиров ишини енгиллатди. Бундан ташқари 1998 йилда ўринбосарлар ўртасида энг кўп туп урар бўлган Умид Исоқов ўтган йили Олий табақадаги энг яхши ўйинчилардан бирига айланди.

Шунингдек, ҳар иккала мураббий ҳам ўзларини миллий терма жамоа мурабийи ва малаҳатчиси сифатида синаб кўришди. Украина миллий терма жамоаси Лобановский мураббийлигида жаҳон биринчилигининг саралаш босқичида (1997 й) жаҳон чемпиони Францияни, Европа биринчилигининг саралаш босқичида (1999 й) эса қитъа чемпиони Германияни ўзларидан ўтказиб юборишди, холос. Гарчи Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтган жаҳон биринчилигининг саралаш босқичида муваффақиятсиз қатнашган бўлсада, бунда Юрий Саркисянни айблаб бўлмайди. Агарда Юрий Саркисян ҳамма масалаларни ўзи ҳал қилганида, миллий терма жамоамиз анча узоққа бориши мумкин эди.

Ўтган йилги мамлакат миллий биринчилигининг иккинчи босқичида "Нефтчи" жуда яхши "очилди". Агарда иккинчи давра якуни бўйича хулоса ясайдиган бўлсак, у ҳолда чемпионлик "Дўстлик"ка эмас, балки "Нефтчи"га кўпроқ ярашади. Чунки, "Дўстлик" иккинчи даврада ўртамиёна жамоага айланди, десак ҳеч ҳам адашмаймиз. Улар иккинчи даврада нафақат кучли жамоалардан, балки кучсизлардан ҳам мағлуб бўлишди. "Нефтчи" эса "Дўстлик"ни, 1998 йилги чемпион "Пахтакор"ни ва биринчи даврада чемпионлик учун даъвогар "Самарқанд"ни меҳмонда мағлуб этди.

Лобановский ва Саркисян орасидаги биринчи фарқ улар яшаётган ҳудуднинг бошқалигидир. Бундан ташқари, AFCга аъзолик ҳам клубларга ва терма жамоаларга яхши ўйин кўрсатишларига имконият бермайди. Шунингдек, Саркисянда УЕФА турнирларидаги каби яхши даромад кўриш шароити йўқ.

Мураббийларнинг иккинчи фарқи — характери. Киевликлар "Барселона" дарвозасига тўртта тўп киритиши мумкин, лекин бунинг учун Лобановский жилмаймайди ҳам. Саркисян бўлса баъзан шундай қизишиб кетадики, "қизил карточка" олиш борасида Юрий Кавтун ва Шуҳрат Мақсудовни ортда қолдириб кетади.

"Нефтчи" 80-йиллардан буён МДҲ футбол жамоалари ичида Киев динамочилари сингари энг яхши жамоалардан бири ҳисобланади. Демак, Юрий Саркисяндан кўп нарса ўрганса бўлади.

"Правда Востока"дан олинди

МУЛОҲАЗА

АСКИЯДАН ЎРГАНСА БЎЛАДИ



Дам олиш куни ойнаи жаҳон орқали берилаётган аскиябозлар гурунгини мириқиб томоша қилаётгандим. Ёнимда ўтирганлардан бири уларнинг қаҳқаҳаси сабабини тушуниб етмади чоғи, дарҳол бориб телевизорни бошқа каналга олди. Унда гапга нўноқ бир мухбирнинг гапга "чечан"ликда ўзидан қолишмайдиган суҳбатдоши билан қилган суҳбати намойиш этилаётган экан. Ора-сира берилаётган қўшиқларни эътиборга олмаганда, кўрсатувда одамни жалб қиладиган хислатнинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун ўтирганларга аскиячилар гурунгини томоша қилишни таклиф қилдим. Баъзилар унамади. Бошқалардан эса садо чиқмади. Маълум бўлдики, кишини ҳозиржавобликка ўргатишдек ноёб хислатга эга бўлган аския аксарият ёшларни қизиқтирмас экан.

Кўпчиликка қарши бориш ноқулай бўлгани учун ноилож бояги кўрсатувни томоша қилишда давом этдим. Тинглаган одамни бездирадиган тўмтоқ суҳбатни кузатарканман, тенгдошларимнинг аскияга қизиқмаслиги сабабини ўйлаб, хаёлга толдим. Хўш, кишини кулдириш билан бирга уни ҳушёр торттирадиган даражада илмоқли гаплар асосига қурилган аския нима учун ёшларни қизиқтиролмади? Аслида, журналистика факультетида таҳсил олаётган талабалар учун нўноқ ҳамкасблари тайёрлаган суҳбатдан кўра аскиячилар гурунгини тинглаб, ҳозиржавобликни ўрганиш муҳимроқ эмасми? Ахир уларга келажакда бемаъни суҳбатдан кўра аскиядан ўрганган ҳозиржавобликлари кўпроқ асқотади-ку! Доно халқ фарзандларини зеҳни ўткир, ақл-заковатли, ҳозиржавоб қилиб тарбиялаш учун ҳам аския жанрини яратмаганми? "Аския" атамасининг "ақл-заковатли, зеҳни ўткир" маъноларини англатувчи арабча "закий" сўзининг кўплиги — "азкиё"дан келиб чиққанлиги ҳам бунинг далили-ку!

Тўғри, аския айтиш ҳам, уни тушуниш ҳам маълум тайёргарликни талаб этади. Шу сабабдан бу жанр намуналари ҳамма халқларда эмас, фақат ўзбек халқ оғзаки ижодидагина мавжуд. Шунингдек, у ўзбеклар яшайдиган ҳудуднинг барчасида эмас, маълум қисмларидагина кенг тарқалган. Лекин бу — аскияни тинглаш шарт эмас, дегани эмас-да. Уни бошқа миллат вакиллари тушунмаслигини кечирса бўлади, лекин биз, айнан шу жанр ижодкори бўлган халқ фарзандларининг аскияни тушунмаслиги уят эмасми?

Зуҳра ҲАМДАМОВА,
ТошДУ журналистика факультети талабаси

ОЛ-А!!!

СЕКУРТИ КИМ?

Аэропорт шаҳар эшикларидан биридир. Пойтахтимизга келаётган хорижлик меҳмонлар энг аввал ўша эшикдан ўтади. Табиийки, уларнинг юртимизга бўлган илк тасаввури ҳам ўша эшикдан бошланади. Бир кеча-кундузда уч ярим минг йўловчига хизмат қиладиган пойтахтимиз аэропорти замонавий жиҳозланиши жиҳатидан ҳамма талабларга жавоб беради. Демак, аэропорт гўзаллиги, фикримизча, хорижлик меҳмонларда яхши таассурот қолдиради. Бироқ, шунисига яраша бу ерда меҳмонларни кутиб олувчилар учун кўрсатиладиган хизмат ҳам яхши бўлганида эди...

Гарчи аэропортда шинам кутиш зали бўлса-да, фаррошлар-у секурти (эшик оға)ларнинг бир-иккита таниш-билишларидан бўлак ҳеч ким бўлмайди. Кутиб олиш учун келганлар эса куннинг иссиқ ёки совуқ бўлишидан қатъий назар, ташқарида тураверишади.

Маълумки, пойтахтимизга меҳмон бўлиб келаётганлар аэропорт ичкарисида ҳужжатларини расмийлаштириш, назоратдан ўтишга бир соатдан ортиқроқ вақт сарфлашади. Шундан сўнггина шаҳримизга келувчилар учун йўл очилади. Аммо ана шу амалларнинг барчаси бажарилганига қарамасдан, камига секуртиларнинг ҳам тихирлиги бошланади. Эшикнинг икки табақаси қолиб, бир табақасинигина очганлари етмагандек, унинг ҳам олдини тўсиб олишиб хархаша қилишади. Лекин, бу нимаси? Келувчиларнинг ҳам, кутиб олувчиларнинг ҳам ғашига тегиб, вақтни ўтказиш, асабларни бузишдан мақсад нима экан?

Ундан ҳам ажабланарлиси, бу ҳолат аэропортга келиб кетувчи фуқароларнинг жонига тегиб, кўнгилларини бездириб улгурган бўлса-да, ҳануз аэропорт маъмуриятининг эътиборини тортмаган кўринади. Чунки, раҳбарият томонидан бунга ҳатто эътибор ҳам берилгани йўқ-да.

Зиёвуддин ЗАЙНИДДИНОВ

БОЗОР

ЧОРСУГА ЙЎЛИНГИЗ ТУШСИН

Маъмур МУСУРМОНОВ

Ҳаётда бозорга кирмайдиган, у ерга иши тушмайдиган инсоннинг ўзи бўлмаса керак.

Балки мен ўз тасаввурим бўйича фикр айтиб, хато қилаётган бўлишим мумкиндир. Бироқ, вақт буни исботлаб турибди.

— Собиқ иттифоқ тузумида "савдогар" тушунчасига кўпинча салбий маънода урғу берилгани боис, бозорларимиз эътибордан четда эди, - дейди Наманган шаҳар "Чорсу деҳқон бозори" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳамидхон Абдуллаев. – Бозор кўпчиликнинг жойи. Халқ ибораси билан айтганда, бу ерга шоҳ ҳам, гадо ҳам киради.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан бозорларга эътибор бирмунча кучайди. Барча шаҳар, вилоят ва туманлардаги бозорларнинг ички ва ташқи кўринишлари таниб бўлмас даражада ўзгариб борянти. Бу сохада ишлаётган кишилар ўз ишига бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартирди.

Бизнинг "Чорсу деҳқон бозори"ида ҳам айни кунларда 117 киши меҳнат қилади. Бозор ходимлари имкон қадар ўз олдига қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бозорга келаётган ҳар бир савдогарга, у хоҳ тадбиркор бўлсин, хоҳ деҳқон бўлсин, савдо қилиш учун имконият яратиб беришга интилмоқдамиз. Шунданми ойлик, йиллик тушум ортиғи билан бажарилмоқда. Бир ойлик ўртача тушум 80-100 минг сўмни ташкил этади. Бир ойлик режа эса 3 миллион 100 минг сўм атрофида бўлаяпти.

Биз ўз имкониятларимизни чамаласак, бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришишимиз мумкин эди. Айни кунларда бозоримиз бўйича 1348 тага мўлжалланган савдо ўринлари мавжуд. Бугунги кунга келиб, бозор худуд жиҳатидан анча торлик қилиб қолянти.

Дарвоқе, "Чорсу деҳқон бозори"ни айланиб, бу ерда ечимини кутаётган муаммоларга ҳам дуч келдик. Бундан қарийб 75 йил аввал қурилиши бошланган бозор энг аввало, худуд жиҳатидан торлик қилиб қолган.

Чорсуда сотилаётган деҳқончилик маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги ва арзонлиги билан бошқа бозорлардан ажралиб туради. Шунданми, бу ерга маҳсулот харид қилувчилар кўплаб келади.

Наманган республикамиз шаҳарлари орасида энг чиройли ва обод шаҳарлар сирасига киради. Наманган боғининг гўзаллиги етти иқлимда машҳур. Бу гўзаллик Наманган "Чорсу деҳқон бозори"да ҳам ўз аксини топиб бормокда.

Пойтахтнинг машҳур ГУМ дўкони ходимлари 1998 йил декабрь ойи маошларини яқинда олишган эмиш.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамғарма масъул ходими Аъзамжон Содиқовга падари бузруквори **СИРОЖИДДИН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

KROSSMARAFON 2000

Ҳурматли бошқотирма иштиёқмандлари!

Газетамиз бу йил сизлар учун турли-туман бошқотирмалар билан биргаликда, "KROSSMARAFON-2000" номли танловни ҳам ҳукмингизга ҳавола қилмоқда. Унга кўра, марафонимизда энг фаол қатнашиб, энг кўп тўғри жавобларни йўллаган мухлисларимиз ҒОЛИБ деб топилади ва СОВРИНЛАР билан тақдирланади. Марафонимиз шартларига кўра, берилган муддат ичида тўғри ва аниқ жавоб йўллаган мухлислар муваффақият қозонади. Шунингдек, бошқотирма ичига жойлаштирилган танловимиз КУПОНИНИ ҳам қўшиб жўнатишни ва хатжилдга "KROSSMARAFON-2000" деб ёзишни эсдан чиқарманг. ТАНЛОВ КУПОНИСИЗ ЮБОРИЛГАН ЖАВОБЛАР ЭСА ҲИСОБГА ОЛИНМАЙДИ!

БОШҚОТИРМА

Тел: 133–69–45 Тузувчи: Нилуфар МИРҲОЖИЕВА



Жавоблар стрелкалар йўналиши бўйича қўйилади.

1.Афсус, пушаймонлик. 2.Офарин, баракалла. 3.Пул бирлигимиз. 4.Радиотехникада тўлқин тутиш учун қўлланиладиган мослама. 5.Мунажжим, юлдузларга қараб фол очувчи. 6.Танадаги митти доғлар. 7.Она томондан аёл қариндош. 8.Автобус маркаси. 9.Афсона илми. 10.Қадимги Европада улкан империянинг пойтахти бўлган шаҳар. 11.Қадимда мавжуд бўлган юқори унвонлардан бири. 12.Томонлардан бири. 13.Ўрток, ошна, жўра. 14."Керак" маъносини беруvчи сўз. 15.Узоқ Шарқдаги бир шаҳар. 16.Ҳур, эркин. 17.Ҳайвоннинг уйчаси, уя. 18.Уй ўғриси. 19.Бир нуклеик қислота. 20.Учириш қурилмаси. 21.Ўлдириш иши билан шуғулланган ёки шуғулланувчи шахс. 22.Қуриган ва тўкилган барг. 23.Қимматбаҳо топилмалар мажмуаси, бойлик. 24.Кўп голурар ўйинчига бериладиган ном. 25.Европа аслзодаларининг бир унвони. 26.Илм олувчи. 27.Инглизча "майли"нинг ёзилиши. 28.Уй ҳайвони. 29.Кобальтнинг кимёвий белгиси. 30.Кўрсатиш олмоши. 31.Тоза. 32.Бир вазирликнинг қисқартмаси. 33.Йирик Африка ҳайвони. 34.Арабчада "ўғил". 35.Бир кимёвий элемент. 36.Ашаддий мухлис. 37.Ҳайвон маҳсулоти. 38.Электроника маҳсулотлари маркаларидан бири. 39."Ҳаётга қандай бўлса шундайлигича қаровчилар" оқими намоёндаси. 40.Оқ ва қора аралашмаси. 41.Фарёд маъносини англатадиган сўз. 42.Бир таомнинг тескариси. 43.Сув ва тупроқ қоришмаси. 44.Асосан зах ерларда ўсадиган митти ўсимлик. 45. Бир эркак исми.

ОМАД СИЗГА, АЗИЗ МУХЛИСЛАР!!!